

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE

on the theme " *Architecture is the Abode of Time* "which will be held at
Samarkand State Architecture and Construction University

ЎЗБЕКИСТОНДА ГУЛЗОРЛАР ВА ЛАНДШАФТ ДИЗАЙНИНИ РИВОЖЛАРТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Таянч докторант, Самарқанд давлат архитектура –қурилиш университети (Ўзбекистон)

М. Н. Бекнзарова

Аннотация. Тадқиқот мақсади Ўзбекистон ландшафт архитектураси объектларининг кўкаламзорлари муҳитидаги гулзорларни ҳамда гулзорлар дизайнига оид хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида республикада гулзорлар ва ландшафт дизайнини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш, гулзорларни яратишнинг замонавий усуллари ва ком-позицияларини ишлаб чиқишдир. Тадқиқотда Ўзбекистон кўкаламзорлари муҳитидаги гулзорлар тур жиҳатдан таснифланган, Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шароитларига мос гуллар ва гулзорларни танлаш усуллари ти-зимлаштирилган, гулзорларни яратишнинг маҳаллий ва хорижий тажри-баларга асосланган истиқболли йўналишлари аниқланган.

Калит сўзи. Ўзбекистон, гулзорларларини, яратишнинг усуллари, гул-зорлар ва дизайнини, ландшафт дизайнини ривожлантиришнинг истиқболи йўналишлари.

Кириш. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида республикада гул-чиликка ва гулзорларга бўлган эҳтиёж ва эътибор анча ортди. 2012 йилнинг 4-августидида Республика Президентининг “Республикада ҳудудда гул-чилик ва кўчатчилик соҳаларини янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПҚ-5209 сонли қарори қабул қилинди. Барча шаҳарларда шаҳар ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш депортементлари, республикада гулчилик кластерлари ва хусусий фирмалари ташкил этилди. Шу билан бирга Республика аҳолисининг маиший эҳтиёжлари учун гул етиштириш маса-лалари йўлга қўйилган бўлсада, шаҳарсозлик, боғ-парк санъати, ландшафт дизайни ва амалиёти эҳтиёжлари учун гулзорлар яратиш, уларнинг турлари ва композицияларини такомиллаштириш, бу соҳада илмий-тадқиқотлар олиб бориш масалалари республикада анча суғ даражада бажарилмоқда.

Баъзи ҳолларда яратилган гулзорлар турлари ва композицияси муҳитга мос эмаслиги, гулзорларни лойиҳалаштириш ишларининг йўлга қўйилмаган-лиги бу соҳадаги нуқсон ва камчиликларни юзага чиқармоқда. Хусусан Рес-публикада гулзорлар ва ландшафт дизайнини ривожлантиришнинг истиқ-болли йўналишлари аниқланмаган. Бу эса маскур тадқиқот мавзусининг дол-зарблиги ва заруратини белгилайди.

Тадқиқот билан боғлиқ адабиётларни ўрганиш масаласига келсак, Ўз-бекистон олимларидан И.Т. Ремискевич, Л.И. Кравченко, Э.Неъматов, Х.Ч. Хушвақтов, А.Қ.Қаюмовлар ўз тадқиқотларида гулшунослик гулзорларни ташкллаштириш бўйича тегишли маълумотларни беришган. Хорижий олим-лардан Четмир Бём, Н.П.Николаенко, Г.К.Тавлинова, Г.Е.Киселевлар ўз иш-ларида гулчилик, гулчилик бўйича справичик, кишлоқ жойларида гулчилик, гулзорларни барпо этиш дизайни каби масалалар ёритиб берилган. Бироқ, Ўзбекистонда гулзорлар ва ландшафт дизайнини ривожлантиришнинг соҳа-сидаги инновацион усулларни тадқиқ қилиш масалалари очик қолдирилган.

Тадқиқот услуби. Натурада танишув, фотофиксация, графоаналитик таҳлил, ватанимиз ва жаҳон гулзорларини илмий-амалий жиҳатдан комплекс ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш, шу асосда тавсиялар, таклиф-лойиҳалар ишлаб чиқиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаси. Тадқиқот уч қисмдан иборат. Унинг 1-қисми “Гулчилик ва гулзорлар дизайнининг Ўзбекистон ва хорижий тажрибалари” деб аталиб, унда гулчилик ҳақида умумий тушунчалар, гулчиликнинг келиб чиқиши, шаклланиш тарихи, архитектура ва табиат ўртасидаги муносабат-ларнинг услубий (стилистик) йўналишлари таҳлил қилинган. Шунингдек, замонавий архитектурада гулчилик ва гулзорлар дизайнининг ўрни ва рўли ёритилган.

Тадқиқотнинг 2-қисми “Гулзорлар дизайнини яратишнинг композици-он-режавий ва конструктив асослари” деб аталиб, унда гулзорларнинг турлари, уларни шакллантиришнинг геометрик ва режавий-композицион асослари, гулзорларни шакллантиришнинг колористик ва конструктив ечимлари, гул-зорлар учун гуллар ва солитер ўсимликларни танлаш тамойиллари, гулзор-ларни боғ-парк ва бошқа муҳитларда қўллаш тамойиллари аниқланган.

Тадқиқотнинг “Ўзбекистонда гулчилик, гулзорлар ва ландшафт дизай-нини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари” номли 3-қисмида гул-зорларни шакллантиришнинг техник ва агротехник усуллари, гулчиликни ривожлантириш ва гулзорларни яратишда ўзига хос мактабларнинг вужудга келиши, гулчиликни ривожлантириш ва гулзорларни яратишнинг истиқбол-ли йўналишлари, гулчиликни ривожлантиришда иссиқхоналар ва замонавий суғориш тизимларининг ўрни каби масалалар очиб берилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон кўкаламзорлари муҳитидаги гулзорлар тур жиҳатдан тас-нифланган ва Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шароитларига мос гуллар ва гулзорларни танлаш усуллари тизимлаштирилган;

гулзорлар дизайни учун гулзорларнинг ўн хил анъанавий ва замона-вий услублардаги меъморий-ландшафт ташкиллаштириш ечимлари аниқ-ланган;

гулзорларни яратишнинг маҳаллий ва хорижий тажрибаларга асос-ланган истиқболли йўналишлари аниқланган;

гулзорларни ташкил этишнинг янги ижодий услуби – миллий этно-график сўзана, атлас, меъморий нақшлар кўринишидаги дизайни кашф этилган ва илмий муомалага киритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гулзорларни яратишнинг замонавий тажрибалари ва интенсив ина-вацион усуллари аниқланган;

ақлли гулзорлар ва ақлли топиарларни ташкиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон иқлимига мос келадиган ва 3 хил табиий иқлим шароит-ларга эга масканлар гулзорлари учун А3 форматдаги гуллар каталоги ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда фаолият юритаётган гулчилик фирмалари, питомник-лар, хўжаликлар, гулчилик кластерлари, ландшафт дизайни бўйича кадр-лар тайёрлайдиган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун гулзорлар ди-зайни бўйича услубий ишланма яратилган;

Гулзорларни миллий этнографик услубда яратишнинг Ўзбекистон вилоятлари ва Қорақолпоқ республикасига мос А4 форматдаги лойиҳа-таклифлари ишлаб чиқилган.

Гулзорларни яратишнинг хорижий ва маҳаллий тажрибаларга асос-ланган қуйидаги истиқболли йўналишлари аниқланган:

гулзорларнинг турлари ва композицияларини таккомиллаштириш мақ-садида “Гул фестивали ва кўргазмалари”ни мунтазам ўтказиб туриш;

гулзорлар учун иссиқхоналарда ва гидропоник усулларда таёрланадиган гул кўчатларини етиштириш;

гулзорларни шакллантиришнинг “Яшил девор”лар ёки “Модулли боғ”-лар йўналиши;

гулзорларни яратишнинг кўчма контейнерлар, гул туваклари, гулдон-ларни қўллаш йўналиши;

✓ гулзорларни шакллантиришнинг миллий этнографик усули.

Мунозара. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон-нинг 3 хил табиий шароитларга эга масканлар учун, гулларнинг ранг, шакл ва бўйи бўйича, узоқ ва мавсумий гуллаш хусусиятлари бўйича ло-йиҳалаш, уларни амалиётга қўллаш имкониятларининг яратилганлиги би-лан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларни гулчилик билан шуғулланувчи фирмалар, питомниклар фаолиятида, замонавий масканлар-ни кўкаламзорлаштиришда, ландшафт меъморчилиги ва ландшафт дизай-нини тақомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги ҳамда олий таълим муассасаларида ландшафт меъморчилиги ва ландшафт дизайни бўйича кадрлар тайёрлашда фойдаланилиши билан асосланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ботяновский И.Е. и др. Справочник цветовода. (Цветочно-декоративные растения открытого грунта). –Минск: «Уражай», 1985.
2. Киреева М.Ф., Грязева В.П. Цветоводство в сельской местности. -Москва. «Росагропромиздат»,1989.
3. Уралов А.С. Ландшафт архитектураси.-Тошкент, 2016.
4. Ёзиев Л.Х. Саматова Ш.А., Тоғаева М., Норходжаева А. Кўп йиллик манзарали гуллардан кўкаламзорлаштиришда фойдаланиш. – Қарши: 2013.
5. Честмир Бём и др. Энциклопедия садовода. -Прага: “Артия”, 1987.